Куч — адолатда

2011 йил,
22 сентябрь,
пайшанба
№ 37 (343)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган, замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона тизимни шакллантириш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ касбни эгаллашига яқиндан кўмаклашишга хизмат қилмоқда. Моҳияти ва аҳамиятига кўра, чиндан ҳам, ноёб Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовларидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда ғурур-ифтихор бағишлайди.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозалари даражасидаги таълим муассасаларини барпо этиш, уларни энг замонавий ўқув-услубий жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Барча ўқув муассасаларининг моддий-техник базасининг сақланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган механизмни яратиш, давлат таълим стандартлари ва улар асосида ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг мукаммал услубини яратиш, педагогларнинг ўқув иш юкламаларини белгилаш ва тақсимлаш тартибининг сезиларли тарзда енгиллаштириш юзасидан улкан ишлар бажарилди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича мингдан зиёд болалар спорти объекти барпо этилгани, кўплаб мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилди ва реконструкция қилинди.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанчақанча меҳнат, куч ва маблағ сарфланмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз берган ўзгаришлар, хусусан. тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этаётир.

Yangi qonun mohiyati

Тадбиркорлик фаолияти

текширишларни қисқартириш ва тизимни такомиллаштириш йўлида яна бир муҳим қадам

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган имкониятлар, шарт-шароитлардан эркин ва тўлиқ фойдаланиш ушбу соҳанинг мукаммал ҳуқуқий базасини шакллантириш, қолаверса, текширишлар сонини қисқартириш, корхоналарнинг хўжалик ишларига аралашиш, халақит бериш ўрнига уларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Бу борада кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди, янгидан-янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Мамлакатимизда ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва замон талабидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишлар янада такомиллаштирилмоқда.

Зеро, **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**да таъкидланганидек, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Суд жараёнида тенглик тамойили

фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясининг муҳим омили

Суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши адолатни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади.

Шу боис ҳам амалда қонунларда иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги принциплар ўз ифодасини топган.

Жиноят ишларини юритишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи Конституциямизнинг ҳар бир кишига шахсий эркинлик ва дахлсизлик таъминланишини кафолатловчи меъёрлардан келиб чиқади.

Суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланганлиги одил судлов сифатини оширишга хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётганлиги, адвокатура институти чуқур ислоҳ қилинганлиги бунга пухта замин яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Халқимиз учун энг азиз ва энг улуғ бўлган мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрами шукуҳи ҳамон юртимиз бўйлаб давом этмоқда. Зотан, бу сана бизга нафақат эркин ва озод яшаш, шу билан бирга бунёдкор халқимизнинг якдиллик билан турли жабҳаларда беқиёс ютуқларни қўлга киритишига имкон берди.

Munavvar lahzalar

Ватаннинг кўркам манзаралари

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, **«ўтган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, кўплаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан марраларни қўлга киритганимизни намоён этмоқда...**

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз, авваламбор, инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб турибди».

(Давоми тўртинчи бетда)

Xabar

Олий судда учрашув

Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Олий суди биринчи раиси Станислав Збигнев Дабровски раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил август ойида "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонларининг эълон қилиниши ҳамда 2008 йил 1 январдан кучга киргани жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолангани қайд этилди. Меҳмонлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида илгари сурилган ғоялар, унинг мазмун-моҳияти, концепцияда белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар билан атрофлича таништирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳар бир муносабат натижаси кўп ҳолларда шартноманинг қандай тузилгани ёки расмийлаштирилганига боғлиқ. Яъни шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотнинг нархи, ҳисобкитоб қилиш тартиби каби ҳолатлар назарда тутилади.

Huquq va burch

Шартнома интизоми

унга риоя этмаслик жавобгарликка сабаб бўлади

Шартнома интизоми билан боғлиқ меъёрларнинг қонуний асослари мавжуд бўлиб, уларнинг ижроси адлия идоралари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Бундан ташқари адлия идораси ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келишмоқда.

Хусусан, Наманган вилоятида 2011 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 20 дан ортиқ турдаги 31 мингдан ортиқ шартнома тузилишида тарафларга адлия бошқармаси ходимлари томонидан зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulohaza

Аҳил оилада оқил фарзанд улғаяди

Ота-боболаримиз азал-азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб келишган. Каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш, меҳнатсеварлик, ватанга садоқат туйғулари улар онгига болалигидан сингдирилган.

Юртимиз узра истиқлол эпкини эсиб, халқимизнинг комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишдек асрий орзу-умидларининг рўёбга чиқишига улкан имкониятлар яратилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан комил инсонни тарбиялаб вояга етказишга давлат аҳамиятига молик устувор вазифа сифатида қарала бошлагани бунга кенг йўл очди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Олий судда учрашув

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Польшалик меҳмонлар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жаҳон андозаларига мослаб қабул қилинаётган кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатларга юқори баҳо бердилар.

— Ташриф асносида юртингизда кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлдик, — деди Станислав Збигнев Дабровски. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ва Польша суд тизимлари фаолиятидаги айрим фарқларга қарамай, асосий мақсадимиз битта — халқ манфаатларига, ўз Ватанимизга хизмат қилишдан иборат. Марказий Осиё минтақасида муҳим стратегик аҳамиятга эга Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига ишончим комил.

Музокарада икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни польшалик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи рангбаранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Олий суди биринчи раиси Станислав Збигнев Дабровски раҳбарлигидаги делегация аъзолари 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Икки мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими, давлат бошқаруви органлари ва сиёсий партиялар фаолиятига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, изчиллик ва босқичма-босқичлик тамойилларига асосланган тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мутаносиб ва барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Польша делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шу куни польшалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров билан учрашди. Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари билан Польша Республикаси Судларда иш юритиш ва прокуратура давлат академияси ўртасида имзоланган ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

(ЎзА)

Maslahat

Судланганлик ҳолати

уни бекор қилиш тартиби қандай?

Аввало, судланганлик ҳолати ҳақида гапирадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 77-моддасида таъкидланишича, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса, судланмаган саналади.

Судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 79-моддасига мувофиқ, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгандан сўнг унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтгандан сўнг унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққандан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Бунинг учун судга илтимоснома билан мурожаат этилади.

Судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

Munosabat

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида болалар спортини ривожлантириш, уларни соғломлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган вақт мобайнида 1123 та болалар спорти иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Уларнинг 922 таси қишлоқ жойларда экани чекка ҳудудлардаги болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда катта имкониятлар яратмоқда. Айни пайтда мактаблар қошида 674 спорт зали қурилди. Болалар спорти иншоотлари спорт анжомлари ва жиҳозлари, зарур инвентарлар билан таъминлангани самараси ўлароқ, бугунги кунда ўқувчи-ёшлар спортнинг 23 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ана шундай изчил чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда бу борада ибратли натижаларга эришилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг расмий сайтида шундай маълумот бор: "Ўзбекистон аҳолининг ялпи саводхонлигига эришган. Аҳолининг саводхонлиги 1991 йилдаги 97,7 фоиздан 2003 йилда 99,3 фоизга етди. Ўрта махсус ёки олий маълумотга эга катта ёшли аҳоли 75 фоиздан ошди. Бошланғич ва ўрта таълим даражасида қамраб олинган қиз ва ўғил болалар сони ўртасида фарқ йўқ".

Эътиборли жиҳати шундаки, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Халқаро аҳолини рўйхатга олиш бюросининг маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг бу борадаги кўрсаткичи Франция, Германия, Буюк Британия, Япония каби жаҳоннинг энг илғор давлатларидагидан ҳам анча юқоридир.

Бугун биз интеллектуал салоҳият тобора ривожланаётган даврда яшаяпмиз. XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Бироқ, сир эмас, жаҳоннинг бир қатор давлатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб ҳамон кўплаб болалар таълим жараёнига тўлиқ қамраб олинмаяпти. Маълумотларга кўра, айни пайтда, дунёдаги саводсиз аҳолининг учдан икки қисмини аёллар ташкил этади.





Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда аҳоли саводхонлигининг қарийб 100 фоизга етиши, қизлар ва ўғил болаларнинг таълим жараёнига бирдек ва тенг қамраб олингани ҳамда уларнинг катта қисми олий маълумотга эга экани халқимизнинг катта ютуғидир. Бу Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларидан баркамол, интеллектуал салоҳияти юксак, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг беқиёс натижасидир.

Албатта, бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг устига Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган пайтда таълим тизимида талай муаммолар йиғилиб қолган эди. Собиқ тузум даврида ёшларни билимига қараб эмас, балки ҳукмрон мафкуранинг сохта ғояларига садоқатига қараб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойилига амал қилинарди.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан ва касб-ҳунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга киришилгани таълим тизимининг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёж билан уйғун бўлишига эришилмоқда.

Ҳа, ёш авлоднинг пухта таълим олиши борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бераётган бундай самаралар юртимизда ёш авлоднинг буюк аждодларга муносиб ворис, баркамол инсон бўлиб етишиши йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Huquq va burch

Шартнома интизоми

унга риоя этмаслик жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида 77 та хўжалик юритувчи субъектдаги жами 9260 та шартнома ўрганиб чиқилди. Ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартномалар тузилиши бўйича 759 та ва шартноманинг бажарилиши бўйича 820 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан тегишли идораларга тақдимнома ва огоҳномалар киритилди. Кўрилган таъсир чораларига асосан 75 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 2 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ҳамда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан 3 миллиард 110 миллион 900 минг сўм маблағ фермер хўжаликларига тўлаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адлия бошқармаси томонидан нафақат шартномаларнинг қонуний тузилиши, балки хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомини суд тартибида мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят хўжалик судига маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 9 та таклиф киритилди ва 2 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун судга юборилди. Киритилган таклифларга асосан 4 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, 2011 йилнинг ўтган олти ойида судларга жами 115 миллион 696 минг сўмлик 186 та даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаларининг 184 таси фермер хўжаликларининг манфаатини кўзлаб киритилди.

Масалан, Янгиқўрғон тумани "Бош пиллахонаси" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тумандаги бир қатор фермер хўжаликлари манфаати юзасидан 2010 йилда етказиб берилган пилла хомашёси учун шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган 33,7 миллион сўм маблағни ундириш тўғрисида 2011 йил 19 апрелда вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Мазкур даъво аризалари вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, фермер хўжаликлари фойдасига 31,4 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Мингбулоқ туманидаги "Раҳмонали ота" фермер хўжалиги бошлиғи Й.Ниёзовнинг топширилган маҳсулот ҳақи "Гулбоғ пахта тозлаш" жамияти томонидан тўлаб берилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида, жамият томонидан топширилган пахта хомашёси қиймати ҳисобидан 2 миллион 851 минг 634 сўм маблағ тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Наманган вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва фермернинг ҳақи суд қарорига асосан ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома интизомига риоя этилишини кузатиш жараёнида кўпроқ тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Бу уларнинг келгусидаги фаолияти янада равнақ топишига ёрдам қилиш билан бирга умумиқтисодиётимиз ривожига ҳам хизмат қилмоқда.

И.АБДУСАТТАРОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида тўлиқ ифода этган миллий қонунчилик асослари яратилиши баробарида, уларни амалда рўёбга чиқарувчи суд-ҳуқуқ тизими ҳам шакллантирилди.

Saboq

Қонунга

Фуқароларнинг ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишига имкон яратиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга устувор аҳамият бериб келинмоқда. Натижада фуқароларнинг онгу тафаккурида қонунга тўлиқ риоя этиш тинч ва фаровон яшашнинг кафолати экани ҳақидаги фикр шаклланди. Масалан, эндиликда юртдошларимиз судларга собиқ шўро даврида гидай жазоловчи орган деб эмас, балки ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи том маънодаги мустақил идора сифатида мурожаат қилмоқдаларки, бу ҳам жамиятда қонун устуворлиги таъминлаганининг ёрқин далилидир.

Айтиш керакки, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг аниқ самарасини рақамларда ҳам кўриш мумкин. Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хоразм вилоятида судланганлик ҳолати аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 10,8 фоизга камайди. Барча суд инстанцияларида 2010 йилнинг биринчи ярмида 1145, амалдаги йилнинг шу даврида эса 1036 нафар шахсга оид жиноят иши муҳокама этилди.

Ҳаётга теран назар ташлаган киши ҳалол, виждонли, умрнинг қадрига етадиган инсоннинг ўзганинг ҳақига хиёнат қилмаслиги, ҳеч кимга озор бермаслиги, бир сўз билан айтганда, жиноят кўчасига қадам қўймаслигига амин бўлади. Ҳолбуки, халқимиз азал-азалдан ҳалолликни умрнинг муҳим мезони деб билади, бировнинг ҳақи ўзгага буюрмаслигини доимо уқтиради. Аслида, бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган ҳаётий мисоллар истаганча топилади. Аммо бу ҳақда мулоҳаза қилиш ва шунга қараб хулоса чиқариш учун кишида соғлом ақл бўлиши, унинг дунёқарашида инсоний фазилатлар устун келмоғи лозим.

Урганчлик ўттиз беш ёшли Умид Қурбоновни эса бундай инсонлар қаторига қўшиб бўлмайди. Негаки, беш маротаба судланган, умрини мазмунли ишлар билан бойитиш ўрнига жиноят кўчасига кирган, энг ачинарлиси, бундай қилмишларини такрор-такрор содир этган бу кимса сўнгги марта тайинланган жазони ўтаб бўлгач, қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётини изга солиб олиши мумкин эди. Афсуски, у бу гал ҳам хатоларидан сабоқ чиқармади. Аниқроқ айтганда, У.Қурбонов спиртли ичимлик ҳолда таниши Одил Матёқубовнинг «Тико» русумли машинасини талончилик йўли билан эгаллаб олди. Шундан сўнг тезроқ кўздан пана бўлиш учун машинани шитоб билан ҳайдаб кетаётганида, уни бошқара олмай қолди-ю, машина ағдарилиб кетди. Умид шунда ҳам билганидан қолмай, машинани бир амаллаб ўнглаб, яна йўлида давом этди.

Тўғри, у узоққа қочиб кетолмади, тезда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Аммо шунга қадар Умид машинага 712,4 минг сўмлик зиён етказган эди...

Yangi qonun mohiyati

Тадбиркорлик фаолияти

текширишларни қисқартириш ва тизимни такомиллаштириш йўлида яна бир муҳим қадам

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу аснода хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятини текширишлар сонини қисқартириш, янада эркинлаштириш ҳамда либераллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 4 апрелда **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг VI ялпи мажлисида **"Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуни маъқулланиб, матбуотда эълон қилинди ва жорий йилнинг 14 сентябрида кучга кирди.

Ушбу қонунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, бу билан уларнинг фаолият эркинлигини таъминлаш, қонунга тўлиқ амал қилаётган тадбиркорлар фаолиятига аралашувларни кескин камайтириш билан боғлиқ қоидалар акс эттирилган.

Хусусан, янги қонунга мувофиқ, Солиқ кодекси, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**, **"Хусусий корхона тўғрисида"** **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонунларда фермер хўжаликларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмаслиги, бошқа умумий ҳолатларда эса, янги ташкил қилинган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмаслиги ҳақидаги янги меъёрлар ифодаланди.

Шу билан бирга, янги қонун асосида **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонунга ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, қонуннинг 6-моддасида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига фақатгина текшириш ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳномалар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши ҳақидаги меъёр мустаҳкамланди.

Қонуннинг 9-моддасидаги ўзгартиришга биноан назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи бошқалар қаторида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш учун асос бўлади.

Қонуннинг 11-моддаси режали ва режадан ташқари текширишлар ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланиши, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмаслиги ҳақидаги меъёрлар билан тўлдирилди. Шунингдек, ушбу моддада текширилаётган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъект имзолайдиган далолатнома тузилиши ва текширилувчи тараф ушбу далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, далолатномага тегишли ёзув киритилиши ҳамда ушбу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланишига оид меъёрлар акс эттирилди.

Ушбу моддадаги қўшимчаларга биноан, текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан бош тортган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Мазкур ҳолда текшириш далолатномасининг (маълумотномасининг) бир нусхаси хўжалик юритувчи субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Шунингдек, текширишлар жараёнида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаган куни текшириш натижаларини акс эттирувчи далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхасини олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам қонунда ифодаланган.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги қонун меъёрлари, аввало, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари устуворлиги, уларнинг янада эркинлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу меъёрлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ҳам мувофиқдир. Жумладан, молиявий назорат бўйича халқаро ташкилот — ИНТОСАИ томонидан ишлаб чиқилган бир қатор халқаро текширув-аудит стандартлари, "Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш" (IAS 1) халқаро стандартларида текширувлар ва аудитни амалга ошириш, ҳисоботларни топширишда давлатлардаги тажрибаларни ўзаро мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назоратида уларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга эътибор берилганини кузатиш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясининг **"Давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари назоратини амалга оширишда юридик шахслар ва якка тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Федерал қонунида давлат назоратини амалга оширишда якка тадбиркор ҳуқуқлари устувор эканлиги нуқтаи-назаридан тегишли қоидалар белгиланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, **"Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунда акс этган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга доир меъёрлар таҳлили уларнинг **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастуридаги чора-тадбирлар билан ўзаро мутаносиблигини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг янада эркинлигини таъминлаш, улар фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган бошқа меъёрлар билан ҳам ҳамоҳанглигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонуннинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётга татбиқ қилиниши назорат идораларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувларини тубдан қисқартириш, асоссиз аралашувлар учун жавобгарликни кучайтириш ва текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлашга хизмат қилади.

Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Huquqiy ma`rifat

Суд жараёнида тенглик тамойили

фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур Фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касби ва нуфузини ошириш ва инсон ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Олий суд Пленумининг **«Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорида ҳам ҳимоя ҳуқуқи жиноят судлов ишларини юритишнинг барча босқичларида таъминланиши шартлиги тўғрисида қуйи судлар амалиёти учун раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Тортишув тамойили суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштирокида таъминланиши мазкур қарорда аниқ белгилаб берилиб, бу ўз навбатида, одил судлов самарадорлигига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари ҳимоячининг кейинги босқич суд мажлисларида ҳам иштироки таъминланадиган бўлди. Яъни борди-ю, ҳимоячи апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суд мажлиси вақтидан хабардор қилинмай, суд мажлисида иштирок этиш имкониятидан маҳрум қилинган бўлса, бу ҳолат жиноят-процессуал қонунчилиги талабларининг жиддий бузилиши деб ҳисобланади.

Адвокатура институтининг тобора такомиллаштирилгани юридик ёрдам сифати яхшиланишига замин яратди. Чунки бу билан ҳимоячига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197[1]-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди. Адвокатларга касб вазифаларини бажариш пайтида зарур имкониятларни яратиш фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи кафолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда адвокатура тизимининг ислоҳ қилиниши жиноят процессида айблов ва ҳимоянинг тенглигини янада мустаҳкамлашга, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари самарали ҳимоя этилишига хизмат қилмоқда.

Назар ҚАРШИБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

—Одатда, мулк сўзини кўп ишлатамиз. Айтингчи, ушбу тушунчанинг ҳуқуқий моҳияти нималардан иборат?

Н.АСҚАРОВА,
Мирзо Улуғбек тумани

— Мулк кишининг ашёга нисбатан эгалик ҳис-туйғуси, шунингдек, ушбу ашё юзасидан кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир. Шу маънода жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эгадир.

Амалдаги қонунчиликка кўра, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Фуқаролик кодексининг 167-моддасига асосан, мулк-хусусий мулк ва оммавий мулк шаклида бўлади.

Оммавий мулк таркибини Ўзбекистон Республикаси мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси мулкига:

- давлатга мутлақ мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари киради.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки маҳаллий бюджет маблағлари, муниципиал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик корхоналари ва бошқа мулкий комплекслардан иборат. Муниципиал мол-мулкни қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципиал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади. Қолаверса, муниципиал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиздаги ҳар қандай мулк қонун билан тўлиқ ҳимояланади. Давлат мулки бўлган оммавий мулкдан фойдаланиш барча фуқаролар учун кафолатланган.

Саволга Мирзо Улуғбек тумани 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси Бўрибой МИРОЛИМОВ жавоб берди.

Mulohaza

Аҳил оилада оқил фарзанд улғаяди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, бола оиладаги муҳитдан, ота-онасининг бир-бирига бўлган муносабатларидан андоза олиб улғаяди. Лекин айрим ота-оналар ўзаро муносабатда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этишини ўйламай иш тутишадики, бу охир-оқибат изсиз кетмайди.

Келинг, шу ўринда фикримизни бир оила мисолида давом эттирайлик. Эрталаб оила бошлиғи турмуш ўртоғини «Нега менинг рухсатимсиз синглингникига бординг?!», дея тергашга тушади. Аёл ҳам бир гапдан қолмайди. Натижада оддий айтишув жанжалга айланиб, ота фарзандлари кўз ўнгида онага қўл кўтаради.

Ота ўйламай қилган иши билан нафақат жиноятга қўл урди, балки ундан ҳам оғири — фарзандлари қалбини жароҳатлади. Ахир, оиладаги бундай нохуш воқеа мурғак бола руҳиятига албатта, ёмон таъсир қилади.

Очиқ суд мажлисида бу оила бошлиғига оид маъмурий иш кўриб чиқилаётганда, у қилмиши оқибатини тушуниб етгани маълум бўлди. Суд ҳуқуқбузарнинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга эканлигини инобатга олди. Шунингдек, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб, тинч-тотув яшаётганлигини, унинг ҳуқуқбузарга нисбатан даъвоси йўқлигига эътибор қаратди. Суд уни жавобгарликдан озод этди, огоҳлантириш билан кифояланди.

Агар эр-хотин ажрашиб кетишганида болалар ота ёки онанинг меҳридан, тарбиясидан мосуво бўлиши аниқ эди. Чунки фарзандга, ўғилми-қизми, ота-онанинг тарбияси бирдек зарур. Ота-она тарбиясининг муштараклиги жамиятимизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Шу воқеа сабаб ота ўз вақтида ақлини йиғиб, фарзанд тарбияси учун масъул эканини чуқурроқ англаб етган бўлса, ажаб эмас. Зеро, ҳамжиҳат оилада оқил инсонлар камол топади. Бундан эса, албатта, биринчи навбатда уларнинг ота-оналари манфаатдор. Шундай экан, ота-оналар буни нафақат бурч, балки улкан масъулият эканини унутмаслиги лозим.

Ҳасан МАҲМУДОВ,
жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани судининг раиси

Маълумки, мамлакатимизда миллий пул бирлигининг қонуний тўлов воситаси сифатидаги аҳамиятини мустаҳкамлашга қаратилган ягона пул-кредит сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, қонунчиликда бу борадаги тартиб-қоидалар ўз ифодасини топган. Масалан, чет эл валюталарини миллий валютага ёки аксинча, миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш банкларнинг тегишли шохобчаларида амалга оширилиши лозим.

Уч марта судланиб, шундан сўнг яна жиноят кўчасига кирган урганчлик Бекберган Қаландаровни ҳам ҳаётнинг қадрига етади, деб бўлмайди. У шаҳар истироҳат боғида қора қилмишини амалга ошириш учун айланиб юраркан, кўзи Фарида Абдуллаевага, тўғрироғи, унинг бўйнидаги тилла тақинчоққа тушди. Сир бой бермай Ф.Абдуллаевага яқинлашади-да, тўсатдан унинг бўйнига чанг солди.

Шу тариқа қўлга киритилган 450 минг сўмлик тақинчоқ икки кун ўтгач, Урганч буюм бозорида 180 минг сўмга пулланди. Аммо бу билан ҳам чекланмаган Б.Қаландаров хавфли қилмишини яна давом эттирди. Бекберган аввалги «ов»дан икки ҳафта ўтгач, Урганч шаҳридаги катта ўйингоҳ яқинида навбатдаги «ўлжа»ни пойлаб турганида унга Манзура Матёқубова дуч келди. Аёлни индамай ёнидан ўтказиб юборган Бекберган унинг орқасидан бўйнидаги тақинчоғини юлиб олди. Қўрқиб кетиб, қаршилик қилган М.Матёқубовага шикаст ҳам етказди. Сўнг у қўлга киритган 1 миллион 200 минг сўмлик тилла тақинчоққа Урганч марказий деҳқон бозори яқинида харидор излай бошлади.

Бу орада М.Матёқубованинг кўрсатмалари асосида ишга киришган ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари жиноятчини далилий ашё билан қўлга олди.

Қилмишига яраша жазо олганлар сирасига урганчлик Ваҳоб Матёқубов, янгиариқлик Марат Жуманиёзов ва Фаррух Бобожоновни ҳам киритиш мумкин. Ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган В.Матёқубов шу пайтгача уч марта суднинг қора курсисига ўтирган. Бу гал у тенгқурлари М.Жуманиёзов, Ф.Бобожоновни ўзига шерик қилиб олди. Учовлон бозор яқинидаги кўчада тирноқ ичидан кир қидириб, жанжал чиқаришди ва Дилмурод Болтаевнинг 400 минг сўмлик уяли телефонини тортиб олиб, кўздан ғойиб бўлишди. Таъкидлаш лозимки, талончилар ушбу жиноятга ўта маст ҳолда қўл урган. Дилмурод Болтаевнинг кўрсатмалари билан ишга киришган ҳуқуқ тартибот идораси ходимлари томонидан талончилар бозордаёқ қўлга олинди.

Халқимизда «Саёқ юрган таёқ ейди», деган ибратли нақл бор. Ушбу ҳикматнинг мақоламизга дахлдор жойи шундаки, агарда юқорида қилмишлари саналган кимсалар бекорчиликда кун ўтказмай, вақтларини фойдали машғулотга сарфлаган, умрини беҳуда ўтказмаганда эди, ҳалоллик билан нопокликнинг ҳам фарқига борган, бировнинг мулкига кўз олайтирмаган ва пировардида, панжара ортида бош эгиб ўтирмаган бўларди.

Фарҳод ШУКУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси

Jinoyat va jazo

Қинғирликнинг қийиғи чиқди

Бироқ ҳаётда айрим кимсалар валюта алмаштиришга доир белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмай, қонунга хилоф равишда валюта сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланади. Ушбу жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфли томони шундаки, у мамлакат иқтисодиётига жиддий хавф солади, миллий валютамизнинг барқарорлигига салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунларимизда бундай қилмишлар учун тегишли жавобгарлик белгиланган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munavvar lahzalar

Ватаннинг кўркам манзаралари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, истиқлолнинг ўтган даврида шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Яқинда Навоий вилоятида бўлганимизда ҳамкасбларимиз Нурота туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб беришди. Эртаси куни Нурота шаҳрига, қадимий «Чашма» зиёратгоҳига бориб, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар кўрган кишининг кўзини қувонтиради.

— Аждодларимиз яратувчилик ва бунёдкорликни юксак қадрлаганини бугун ҳам кўркам маҳобати билан барчани ҳайратга соладиган меъморий обидаларимиз исботлаб турибди, — дейди Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эшонқулов. — Вилоятимизнинг ўзида 63 та ана шундай тарихий обида мавжуд. Собиқ тузум даврида бу табаррук қадамжолар қаровсиз, ташландиқ аҳволда қолгани барчамизга маълум. Истиқлол йилларида асрий анъаналаримиз тикланиши баробарида халқимиз яратган ана шундай меъморий мўъжизалар — табаррук обиданларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2009 йилда Кармана туманидаги «Маликработ» карвонсаройи ва «Қосим Шайх» мажмуаси жорий таъмирланди. Нурота тумани марказидаги "Чашма" мажмуасида капитал таъмирлаш ишлари 2009 йилда бошланиб, бугунги кунда якунига етиб қолди. Натижада бугун бу муборак қадамжо юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар учун янада гавжум зиёратгоҳга айланди.

«Чашма» зиёратгоҳидан қайтар эканмиз, йўлда бизга саксон ёшли отахон йўлдош бўлди. Ўзини Раҳим Нуриддинов, деб таништирган оқсоқол шундай дейди:

— Мен асли Нурота шаҳрида туғилганман. Тақдир тақозоси билан турли вилоят ва шаҳарларда ишладим. Лекин қаерда бўлмай, Нуротага келган кунимоқ муборак Чашмани зиёрат қиламан. Бугун ёшларга айтсанг, ишонмайди. Биз истиқлолга қадар мана шу Чашмани зиёрат қилиш учун яширинча келар эдик. Чунки шўро даврида бу масканга қадам босиш таъқиқлаб қўйилганди.

Ўзларингиз гувоҳ бўлганингиздек, истиқлол шарофати ва Юртбошимизнинг алоҳида эътибори билан бу мўъжизакор маскан яна қайта туғилди. Бунинг учун биз Президентимиздан жуда миннатдормиз.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда замонга ҳамнафаслик баробарида тарихни қадрлаш, қадриятларни тиклаш масаласида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилаётир.

Хатирчи туманига йўлимиз тушганда 56-умумтаълим мактаби директори Ҳасан Яхшиликов билан ҳамсуҳбат бўлдик. Муаллимнинг фикрлари эътиборимизни тортди.

— Агар қишлоқ ёшлари билан яқиндан танишиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини билишни истасангиз, мактабга боринг. Ўқувчилар билан учрашиб, суҳбатлашинг.

Бу жўяли таклиф боис мактабга бордик. Мактаб туманнинг энг чекка, тоғли ҳудудида жойлашган бўлишига қарамасдан, жуда шинам, замонавий кўринишда экан.

Тўққизинчи синф ўқувчилари билан суҳбатимиз дўстона гурунгга айланиб кетди. Келинг, фикрларимиз қуруқ бўлмаслиги учун уларнинг Ватан ва келажак ҳақидаги фикрларига қулоқ тутайлик.

— Мен Ватанни онага ўхшатаман, — дейди 9-синф ўқувчиси Моҳира Зоҳиддинова. — Чунки Ватан ҳам худди онамиздек бизга меҳрибон. Шунинг учун биз ҳам Ватанни худди онамизни яхши кўргандек яхши кўришимиз, ҳурмат қилишимиз, эъзозлашимиз керак.

Меҳрга тўла бу сўзларнинг самимийлигини Моҳиранинг «Онамга ўхшайсан, аслида, Ватан!» сатри билан бошланувчи шеъри ҳам исботлайди. Моҳира бу шеърини ширали овоз билан ўқиб берганида, барчамиз уни олқишладик.

Гап айланиб келиб, суҳбат мавзуи келажакда ким қайси касбни танламоқчи эканлигига тақалди. Кимдир дипломат, яна биров иқтисодчи, бошқа бирови шифокор бўлиш ниятида, хуллас, кўзларида келажакка ишонч порлаб турган бу ёшларнинг ҳар бири ўз олдига аниқ мақсад қўйган. Улар орасидан Тоштемир Мустафоев учувчи бўлишни орзу қилишини айтди. Ундан нега бу касбни танлаганини сўрадим. Тўғриси, чекка қишлоқда улғаяётган ўсмирнинг бундай қарорга келиши менга қизиқ туюлди.

— Биздан икки қишлоқ нарида Чилаш деган қишлоқ бор, — деди Тоштемир. — Ана шу қишлоқлик Зафар ака Алиев ҳозир Тошкентда яшайди. У учувчи.

Ўқувчилар билан хайрлашиб қайтар эканман, бизга ҳамроҳ бўлган Олтинсой иқдисодиёт коллежи ўқитувчиси Абдуҳалим Райимбердиевдан Зафар Алиев ҳақида сўрадик.

— Зафар қўшни қишлоқлик Ботир аканинг ўғли. Ҳозир Тошкентда ишлайди. Халқаро йўналишдаги ҳаво кемаси капитани ёрдамчиси.

Тўғриси, чекка бир қишлоқдан халқаро йўналишдаги учувчи чиққани мени ҳайрон қолдирди. Ахир, бундан йигирма йил муқаддам бу қишлоқдан учувчи чиқиши у ёқда турсин, буни ҳатто ҳеч ким орзу ҳам қилмасди.

Дарвоқе, бугун бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Чунки мустақиллик бизга шундай улкан имкониятларни берди. Мамлакатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида миллатимиз ва давлатимиз келажаги бўлган оловқалб ёш авлод ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, шундай таъкидлади: **«...Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритишимиз мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.**

Мен буни замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман».

Дарҳақиқат, юрагида ёшликнинг олови, кўзида келажакка умид ўтлари ёлқинланиб турган ёшлар айнан мамлакатимиз раҳбари истаганидек, ортимиздан эртамизнинг эгалари бўлишга қодир авлод етишиб келаётганининг ёрқин далилидир. Бу Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси она алласи билан қалбига сингган ёшлар вояга етаётган юртнинг келажаги порлоқ ва буюк бўлишининг далолати ҳамдир.

Ислом ҲАМРО

G'aroyib olam

Инсон умри абадий эмас, вақти-соати етиб, у ёруғ дунё билан видолашади. Ҳаётнинг азалий қонуни шундай. Одатда, умри поёнига етган инсон ўзига тегишли молмулкни кимгадир васият қилиб қолдиради. Албатта, инсон ўзи бир умр йиққан-терган бойлиги фойдали ишларга ишлатилишини, авлодларининг эҳтиёжини қондиришини истайди. Лекин дунёда шундай мерос қолдирувчилар ҳам борки, уларнинг васиятномаларини ўқиб, беихтиёр ҳайратга тушасиз. Қуйида дунёдаги ана шундай ғалати васиятномалар хусусида сўз юритилади.

Васиятномами ёки жумбоқ?

XVI-XVII асрларда яшаб ўтган машҳур адиб Вильям Шекспирни бетакрор асарлари билан дунёни лол қолдирган ижодкор сифатида яхши биламиз. Унинг «Қирол Лир», «Отелло», «Гамлет», «Макбет», «Ромео ва Жульетта» каби қатор драматик асарлари ҳамон севиб ўқилади, саҳнада ижро этиб келинади.

Қизиғи шундаки, Шекспир шунчалик машҳурлигига қарамасдан, узоқ вақтлар дунё адабиётшунослари «Вильям Шекспир аслида тарихий шахсми ёки ўйлаб топилганми?» деган масалада баҳс-мунозара юритишидан бохабарсиз. Буни қарангки, кўп йиллар давом этган бу баҳсга Шекспирнинг авлодларига қолдирган васиятнома чек қўйди. Чунки Вильям Шекспир ўз қўли билан ёзган ана шу васиятнома Англияда шундай ижодкор яшаб ўтганлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга мазкур васиятнома Вильям Шекспир шахсига боғлиқ яна бир қатор гап-сўзларни келтириб чиқарди.

Маълум бўлишича, Шекспир ўз васиятномасини ёзишдан аввал уй жиҳозларидан тортиб, эски оёқ кийимларининг ҳам рўйхатини тузиб чиққан ва шу рўйхат асосида васиятнома ёзган.

Мерос сифатида энг катта миқдордаги нақд пулни миллионер Генри Форд васият қилиб қолдирган экан. Қизиғи шундаки, Форд жаноблари ўзига тегишли бўлган 500 миллион долларни меросхўрларга эмас, аксинча, 4157 та ўқув юртларига бўлиб беришни васият қилган. Унинг қариндошлари узоқ судлашувлардан сўнг бойликдан воз кечиб, тақдирга тан беришга мажбур бўлишган. Чунки текширувлар жараёнида васиятномани ёзган пайтида Генри Форд мутлақо соғлом бўлгани ўз тасдиғини топган.

Тарихда энг жумбоқли ва узоқ тортишувларга сабаб бўлган васиятномани физик-олим Нильс Бор ёзган экан. Чунки у васиятнома ёзиш пайтида асосан физикага оид терминлар ва махсус атамалардан фойдаланган. Шунинг учун ҳам олимнинг меросхўрлари васиятномани ўқиб, Нильс Бор кимга қанча миқдорда мерос қолдирганини аниқлай олишмаган. Шундан сўнг улар судга мурожаат қилишган. Буни қарангки, Нильс Борнинг сирли васиятномасида яширилган калит сўзларни ҳуқуқшунослар ҳам аниқлай олишмаган. Шундан кейин суд ушбу васиятнома сирини очиш учун махсус лингвист-экспертлардан иборат комиссия тузишга мажбур бўлган. Фақат ана шу комиссиягина олимнинг мақсади нима бўлганини аниқлаб бера олган.

Яна шундай ғалати ва шов-шувга сабаб бўлган васиятномалардан бирини миллиардер Мишель Ротшильд ёзган. Унинг васиятномасида «Мендан кейин менга тегишли бўлган барча турдаги мулкларни, бойликларимни ҳисоблаш, рўйхатга олишни қатъий тақиқлайман», деган сўзлар битилган. Меросхўрлар Мишель Ротшильддан қанча бойлик қолганини аниқлашга ҳарчанд уринишмасин, уларнинг барча ҳаракатлари пучга чиқди. Чунки улар мурожаат қилган суд идоралари васият қолдирувчини ҳақ, деб топди. Шунинг учун ҳам бугунги кунга қадар аслида миллиардернинг бойлиги қанча бўлганини ҳеч ким аниқ билмайди.

Ана шундай шов-шувларга сабаб бўлган васиятномалардан бири, шубҳасиз, машҳур олим Альфред Нобелга тегишлидир. Чунки у ўзига тегишли бўлган 30 миллион крон (ўз даврида бу жуда катта бойлик ҳисобланган)нинг бор-йўғи ярим миллионини меросхўрларига қолдирган. Бойликнинг асосий қисми эса, бугун уни бутун жаҳонга машҳур қилиб юборган Альфред Нобель номидаги мукофотни таъсис қилиш учун васият қилинган.

Албатта, ҳамма ҳам ўзи қолдираётган бойликнинг эзгулик йўлига сарфланишини истайди десак, хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки дунёда яхшилик ва ёмонлик, донолик ва нодонлик ёнма-ён юради. Шундай васиятномалар учрайдики, уларни ўқиб, кулишингизни ҳам, ажабланишингизни ҳам билмайсиз.

Масалан, энг ғайритабиий васиятномалардан бири сифатида Франциянинг Марсель шаҳрида истиқомат қилган марҳум этикдўзнинг васияти қайд этилади. Маълум бўлишича, этикдўз ёзган 123 сўздан иборат васиятномадаги 94 та сўз ҳақоратомуз сўзлардан иборат бўлгани боис, уларни тилга ҳам олиб бўлмас экан.

Шундай ғалати васиятномалардан бири кинопродюссер Роджер Доркасга тегишлидир. Гап шундаки, у ўзига тегишли бўлган 65 миллион доллар қийматга эга меросни севимли ити (унинг лақаби Максимилиан)га (!)васият қилиб қолдирган. У билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғига эса, васиятнома бўйича 1 цент насиб қилган. Узоқ тортишув ва судлашувлардан кейин суд мерос қолдирувчи Роджер Доркас жанобларини ҳақ деб топади ва ит мероснинг эгасига айланади. Ана шундан кейин бундай катта бойликни қўлдан чиқаришни истамаган Доркас хоним адвокатларининг маслаҳати билан итга (!) қонуний турмушга чиқади. Фақатгина вақти соати етиб, «бойвачча» ит оламдан ўтгандан кейингина Доркас хоним меросдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Интернет материаллари асосида Сардорбек ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Giyohvandlik — asr vabosi

Эгри йўлнинг охири

Ҳаётда ҳалол меҳнат қилган киши асло кам бўлмайди. Аммо оғирнинг устидан, енгилнинг остида юриб кун кўрмоқчи бўлганлар турмуш чорраҳаларида адашиб қолиши муқаррар. Демак, инсоннинг келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ.

Термизлик Қурбон Қўшшаев мана шу ҳаётий ҳақиқатни вақтида тушуниб етмади. Шу боис қилмишига яраша жазо ҳам олди. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқармади. Меҳнатсиз кайфу сафо қилишни одат қилган "қаҳрамонимиз" яна жиноятга қўл ўрди.

Ўтган йилнинг қиши эди. Совуқ ҳаво этни жунжиктиради. Ана шундай аёзли декабрда ўз нафсини қондиришни ўйлаган Қурбон кўча изғирди.

Кўр кўрни қоронғуда топади, дейдилар. Аслида тожикистонлик Иброҳим Валиев ва Қурбон Қўшшаев илгаридан таниш бўлган. Ўз вақтида бирга жазо ўтаган ҳамтовоқлар Термизда яна учрашишди. Ўзаро келишувга мувофиқ, ярим килога яқин "гашиш" гиёҳванд моддасини Қурбон Қўшшаев сотиб олди.

Иш хамирдан қил суғургандек осон кўчганидан гумашталар хурсанд эди. "Бойликка" эга бўлган "молтопар" эса яна эски "ҳунарини" бошлайди. Кунда-кунора "афюн"дан истеъмол қилиш Қурбоннинг одатига айланди-қолди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейди доно халқимиз. 2011 йилнинг 5 февралида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда унинг орзулари саробга айланди. Чунки ички ишлар ходимлари унинг хонадонидан 398 грамм гиёҳвандлик воситасини топишди.

Қурбон Қўшшаев Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судининг ҳукми билан тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди. У энди қилмишидан пушаймон бўлиб, бош эгиб ўтирарди. Бироқ энди кеч. Балки бу сафар унинг кўзлари каттароқ очилиб, хатоларидан тўғри хулоса чиқарар. Буни вақт кўрсатади.

Ҳасан ДАВЛАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судининг раиси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судида валюта қимматликларини қонунга зид тарзда олиш ва сотиш билан шуғулланишга доир бир қатор ишлар кўриб чиқилди. Масалан, 1973 йилда туғилган Муқаддас Сайдуллаева билан 1986 йилда туғилган Султон Сайдуллаев опа-ука. Улар Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «в» банди, 177-моддаси 3-қисми «а» банди ва 219-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган.

Аниқланишича, М.Сайдуллаева ука-си билан олдиндан жиноий тил бириктириб, валюта қимматликларини олиш ва сотиш ваколатли банк муассасаларининг валюта айирбошлаш шахобчалари орқали амалга оширилишини била туриб, Миробод деҳқон бозори атрофида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш-сотиш билан шуғулланиб келган. Жумладан, ҳамтовоқлар 2010 йил 3 декабрь куни тахминан соат 11.30 ларда фуқаро Ш.Шариповга бир АҚШ долларини 2410 сўмдан ҳисоблаб, жами 200 АҚШ долларини 482.000 сўмга сотаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган. Тинтув вақтида опа-уканинг ёнидан чиққан дафтарда улар томонидан ноқонуний равишда харид қилинган ва сотилган чет эл валютаси ҳисоботи ўз аксини топган эди. Чунончи, опа-ука 2010 йил март ойидан декабрь ойига қадар 1.550.411.000 сўм, 484.645 АҚШ доллари, 1.100 евро, 215.979 Россия рубли, 17.000 Қозоғистон тенгеси, 300 фунт стерлинг олди-сотдисини амалга оширган. Текшириш жараёнида С.Сайдуллаевнинг ёнидан ҳам ноқонуний равишда харид қилиниб, кейинчалик М.Сайдуллаева орқали сотиш мўлжалланган 320 АҚШ доллари, 1.000 Россия рубли ва 50 евро борлиги аниқланди.

Судда М.Сайдуллаева ва С.Сайдуллаевнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари ва далилий ашёлар билан тўлиқ тасдиқланди ва Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисми «а» бандига асосан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланди. Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

С.Сайдуллаевга ҳам икки йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан жазо шартли ҳисобланди ва бир йил синов муддати белгиланди.

Ашёвий далил сифатида олинган 520 АҚШ доллари, 1.000 Россия рубли, 50 евро ва 32.120.00 сўм давлат эгалигига ўтказилди.

Аслида, ҳалол бўлмаган иш хайрли натижа келтирмаслиги аниқ. Шу маънода М.Сайдуллаева ва С.Сайдуллаевнинг жиноий тил бириктириб, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширгани, оқибатда қилмишлари фош этилиб, бошлари эгилиб қолгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Jinoyat va jazo

Таассуфки, юқорида баён қилинган воқеа ягона эмас. Хуршид Исматуллаев, Ҳожиакбар Раҳматуллаев ва Саидғани Ёқубов ҳам Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б», «в» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд мажлисида шу нарса аниқландики, Х.Исматуллаев, Ҳ.Раҳматуллаев ва С.Ёқубов ўзаро жиноий тил бириктириб, 2010 йил 16 декабрь куни тахминан соат 15.50 ларда чет эл валюта қимматликларини қонунга хилоф тарзда сотиш мақсадида Миробод тумани, Нукус кўчасида жойлашган «Миробод деҳқон бозори» ҳудудида М. Ғуломовага 3.900 АҚШ долларини 9.360.000 сўмга сотишган.

Суд ушбу ишни кўриб чиқиб, судланувчиларни Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари билан айбли деб топди ва уларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

2011 йил 11 июль куни жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судида кўрилган Н.Ибодовга оид жиноят иши ҳам юқоридаги тоифага киради. 1955 йилда туғилган бу кимса Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбланди. Маълум бўлишича, у 2011 йил 25 март куни соат тахминан 13.50 ларда Миробод тумани Қўйлиқ-4 даҳасидаги 123-уйнинг олдида фуқаро Х.Абдураҳмоновга 117.000 Россия рублини 10.530.000 сўмга ноқонуний равишда сотаётган вақтда ушланган.

Судда Н.Ибодов айбига тўлиқ иқрор бўлди. Суд судланувчининг қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади. Далилий ашё сифатида олинган 117.000 Россия рубли давлат фойдасига ўтказилди.

Маълумки, ҳар қандай жиноий қилмиш учун жазо муқаррар. Бошқача айтганда, бу ҳаётда қинғирликка қўл урган кимса обрў-эътибор топмайди, муродига етмайди. Чунки «Қинғирликнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади», деб бежиз айтишмаган. Ота-боболаримиз азал-азалдан риоя этиб келадиган ахлоқий меъёрлар ҳам, демократик ҳуқуқий жамиятимизнинг асосий таянчи бўлган қонун ҳам айни ҳақиқатни тасдиқлайди. Шундай экан, халоллик ҳар бир ишнинг ривожига кафолат бўлишини, қонунга риоя қилиш бехавотирлик гарови эканини унутмаслик даркор.

Ёқутхон ҲАЙДАРОВА,
жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-916. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 7625.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰